



## ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА РЕЖИМИДА ТЕРГОВ ҲАРКАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУИЯТЛАРИ

*Махмуджонов Жамишидбек Баходир ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси “Тергов фаолияти” йўналиши кундузги таълим З-босқич 324-гуруҳ курсанти*

*Асқаров Мирзоҳид Миржалол ўғли*

*Илмий раҳбар: Ички ишлар органлари фаолиятини услугубий таъминлаш маркази бош илмий ходими, майор*

**Аннотация:** Бугунги кунда барча соҳаларда рақамлаштирилган технологияларни жорий этиш масаласи долзарб аҳамият касб этувчи масалалрдан бири сифатида қаралмоқда. Шунингдек, ушбу мақолада ҳам жиноят процесси қонунчилигига мувофиқ тергов ҳаркатларини ташкил этишда видеоконференцалоқани йўлга қўйиш соҳасидаги хориж тажрибалари ўрганилиб уларни татбиқ этишга доир фикрлар илгари сурилади.

**Аннотация:** Сегодня вопрос внедрения цифровых технологий во всех регионах рассматривается как один из важнейших вопросов. Также в данной статье изучен зарубежный опыт в области установления видеоконференции при организации следственной деятельности в соответствии с уголовно-процессуальным законодательством и высказаны мнения по его реализации.

**Abstract:** Today, the introduction of digitized technologies in all regions is considered as one of the most important issues. Also, in this article, foreign experiences in the field of establishing a video conference in the organization of investigative activities in accordance with the law of criminal procedure are studied and opinions on their implementation are put forward.

**Таянч сўзлар:** видеоконференцалоқа режими, жиноят процессуал кодекси, Англия, Италия, Австралия тажрибаси, процессуал чиқимлар.

**Ключевые слова:** режим видеоконференции, Уголовно-процессуальный кодекс, Английский, Итальянский, Австралийский опыт, процессуальные итоги.

**Key words:** video conference mode, criminal procedural code, English, Italian, Australian experience, procedural outcomes.



Бугунги кунда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани кенг йўлга қўйишга қаратилган бир қатор чоратадбирлар амалга оширирлмоқда. Ҳаётий талабдан келиб чиқиб, олий қадрият хисобланмиш инсон, унинг хаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошка дахлсиз ҳуқуқлари, умуминсоний тамойилларга таянган ҳолда асосий ҳуқуқий соҳалар, шу жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигини ҳам янгича ислохотлар жараёни қамраб олмоқда.

Тараққиётнинг асосий бўғинларидан бири бўлмиш суд-хуқуқ тизими ҳам ислохотлар таъсиридан четда қолаётгани йўқ. Қонунийликни, ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолияти, уларнинг замонавий вазифаларни, воқеликни ва функцияларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари зиммасига жамиятни ва алоҳида шахсни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган жиноятлардан ҳимоялаш юклатилган. Шунингдек, тергов ҳаракатларининг тез ва самарали амалга оширилиши, тергов жараёнининг ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида амалиётга видеоконференцалоқа режимидаги ўтказилувчи тергов ҳаракати кенг йўлга қўйилмоқда.

Жиноят процессуал қонунчилигига мувофиқ гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари (сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш) мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоятнинг ёки туманнинг ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилуви органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган тергов ҳаракати тушунилади. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процессуал кодексининг 91<sup>1</sup>, 91<sup>2</sup>, 91<sup>3</sup>, 91<sup>4</sup>-моддаларида тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш, уни ўтказиш учун асослар, шартлари ва тартиби, тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини қайд қилиш тўғрисидаги нормалар белгилаб қўйилган.

Бунга мувофиқ тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш учун асос бўлиб қуйидагилар хизмат қилиши белгиланган:



шахснинг жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга соғлигининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра бевосита келиш имконияти бўлмаганда;

жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилганда;

кечикириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилганда;

тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳакида асосли сабаблар мавжуд бўлганда.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар мавжуд бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд тегишли қарор чиқаради.<sup>1</sup>

Кўриб турганмиздек, ушбу тергов ҳаракатиниг ўтказилиши аввало процесс иштирокчиларининг ҳуқуларини таъминлаганлик билан бир қаторда, тергов иши юритишнинг тез ва самарали амалга оширилишини таъминлаб бермоқда. Бундан ташқари мазкур тергов ҳаркати амалга оширилишида техник воситаларнинг қўлланилган ҳолда амалга оширилиши иш учун аҳамиятли маълумотларни электрон шаклда қайд этиш, сақлаш ва узатиш имкониятларининг кенглиги билан ажralиб туради. Улар ёрдамида олинган маълумотлар ўзининг объективлиги, яққол кўриниши, вақт ўтиши билан хусуиятларини сақлаб қолиши ва кўплаб намойиш қилиниши мумкинлиги билан ажralиб туради. Шу хусусдан келиб чиқсан ҳолда айрим хорижий давлатларнинг ушбу йўналиш бўйича тажрибаларига тўхталиб ўтсак, чунончи, бугунги кунда чет эл давлатларида ҳам ўзгача тартиб белгиланган бўлиб, ҳозирда Англия, Германия, Шотландия, Канада, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Италия, Финляндия, Сингапур, Хинди斯顿 каби узоқ шарқ ва ғарб мамлакатлари ҳамда барча МДҲ давлатлари жиноят процессида видеоконференцалоқадан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Бундан фойдаланиш тартиби ва шартлари эса турли ҳужжатларда турлича тартибга солинган. Видеоконференцалоқа режимиинининг пайдо бўлиши ва татбиқ этилишининг тарихий тараққиёт босқичи бўйича даврлаштирганимизда, дастлаб биринчи бўлиб, Германияда 1982 йилда кейинчалик эса 1990 йил Англияда, 1995 йил Шотландияда, Канада, Эстония, Украина жиноят процессуал қонунларида гувоҳ ва экспертларни сўроқ қилиш ва халқаро ҳуқуқий ёрдам воситаси сифатида; Беларусия ЖПКда судда ҳозир бўлишдан озод этиш асослари сифатида; Арманистон ЖПКда замонавий рақамли

<sup>1</sup> <https://lex.uz/ru/docs/111460>. Жиноят процессуал кодекси.



технологиялар рўйхатида акс этган бўлса; Қозоғистон ЖПКда тергов ва суд ҳаракатлари юритилишида ҳамда апелляция ва кассация босқичида фойдаланилиши; Ҳиндистонда гувоҳ ва қамоқда сақланаётган айбланувчини сўроқ қилишда қўлланилиши қатъий белгиланган. Жумладан, Янги Зелландия ва Ҳиндистонда далилларга таъриф беришда видеоалоқа ва телефон конференцияси асосида далиллар олиниши қоидалари ҳам мустаҳкамланган. Шу ўринда олимлар фикрига кўра, видеоконференцалоқа орқали тергов ва процессуал ҳаракатларини ўтказиш асосларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга<sup>2</sup>:

Хусусан, **Англияда** видеоконференцалоқадан фойдаланиш талаб этиладиган ҳолатлар қонунда қатъий белгиланган бўлиб, улар қуидагиларни ташкил этади:

- 1) махсус тергов Бюроси томонидан фирибгарлик ишлари бўйича;
- 2) масофадан туриб гувоҳлик бериш зарур бўлган ҳолларда;
- 3) вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилишда;
- 4) касал ва ногиронларни сўроқ қилишда.

Англияда белгиланган ушбу асослар Ўзбекистон Республикаси ЖПК қонунчилиги билан бир мунча ўхшашлигини кузатиш мумкин. Маълумотларга қараганда Англияда 50 дан ортиқ касалхоналар видеоконференцалоқага мос замонавий рақамли технологиялар билан жиҳозланган. Фикримизча, Ўзбекистонда ҳам айни шу тартибда касалхоналарда айни шу тартибдаги видеоконференцалоқани ташкил этишга қаратилган хизмат хоналарини жорий этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

**Италияда** эса видеоконференцалоқадан фойдаланиш талаб этиладиган ҳолатлар қонунда қуидагича белгиланган:

- 1) гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича;
- 2) процесс иштирокчиларининг муҳофазасини таъминлашда;
- 3) қамоқда сақланаётган айбланувчини сўроқ қилишда;
- 4) жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумларни сўроқ қилишда;
- 5) суд маслаҳатхонада далилни қайта текшириш ёки гувоҳни

<sup>2</sup> Артамонова Е.А. Отдельные проблемы производства допроса свидетеля и потерпевшего путем использования систем видеоконференцсвязи в современном уголовном процессе // Администратор суда. 2012. №1. –С. 14-16.



эшитишда;

- 6) дастлабки эшитувда;
- 7) судьянинг жазони ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда;
- 8) ташқи кўриниши жисмоний ўзгартирилган шахсларни сўроқ қилишда.

Италиядаги ушбу белгиланган тартиб шаклидаги дастлабки эшитувда ҳамда судьянинг жазони ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда видеоконференцалоқадан фойдаланиш айни вақтда ҳақиқатан ҳам бир қанча қулайликларни келтириб чиқаради десак муболага бўлмайди.

**Австралияда қўйидаги ҳолатлар белгиланган:**

- 1) вояга етмаганларга қарши содир этилган жинсий жиноятларда;
- 2) болалар порнографияси бўйича иш юритишда;
- 3) хориждаги гувоҳларни сўроқ қилишда.

Австралиядаги ушбу тартибдаги вояга етмаганларга қарши содир этилган жинсий жиноятларда, болалар порнографияси бўйича иш юритишда ушбу режимдан фойдаланишлари бизнинг жиноят процесси қонунчилигимиздаги тартибдан буткул фарқ қиласди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси 19-моддасига мувофиқ “Барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилади, бундан давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилаётган ҳоллар мустасно... ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади”.<sup>3</sup>

**АҚШда** 2002 йилда “XXI аср суд процесси” лойиҳаси ишлаб чиқилиб, дастлаб Массачусетс штатида З та қитъа судлари видеоконференцалоқа ўрнатган бўлиб, сўнгра барча штатларда ва процесснинг барча босқичларида кўлланилиши йўлга қўйилган.

<sup>3</sup> <https://lex.uz/ru/docs/111460>. Жиноят процессуал кодекси.



Бу борада, С.Желтобрюхов фикрича, жиноят процессида асосан, сўроқ қилиш ва юзлаштириш учун видеоконференцалоқадан фойдаланиш мумкин<sup>4</sup>.

А.Мартынов, Е.Кравец, Н.Шуваловлар эса, видеоконференцалоқа орқали нафақат сўроқ қилиш, балки таниб олиш, гувоҳлантириш, экспертиза учун намуналар олиш, эксперимент, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, процесс иштирокчиларини процессуал ҳужжатлар ва эксперт хulosалари билан таништириш каби тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишида фойдаланиш мумкин<sup>5</sup>.

В.Родивилина ҳам, видеоконференцалоқа орқали жиноят ишини юритишига масъул шахслар масофадан туриб ҳукуқий ёрдам кўрсатиши, тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиши ҳамда баённомаларни расмийлаштириб, электрон рақамли воситалар орқали етказиб бериши имкониятлари мавжуд<sup>6</sup>, дейди.

Дарҳақиқат, тергов ҳаракатларининг видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши ҳақиқатан ҳам бугунги кунда жиноят процесси қонунчилигига долзарб аҳамиятга эга масалалардан бири сифатида қаралиши лозим. Сабаби тергов ишини юритишида натижаларнинг қайд этилиши билан боғлиқ бундай ҳолатлар албатта, тергов иши материалларининг ишончлилиги ва далиллар мақбуллиги билан боғлиқ жараёнларга ўзининг таъсирини кўрсатмай қолмайди ва инкор этувчи хусусиятларнинг бир қанча камайишига хизмат қиласди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноят процессуал кодекси. (<https://lex.uz/ru/docs/111460>)
2. Артамонова Е.А. Отдельные проблемы производства допроса свидетеля и потерпевшего путем использования систем видеоконференцсвязи в современном уголовном процессе // Администратор суда. 2012. №1. –С. 14-

<sup>4</sup> Желтобрюхов С.П. О необходимости предоставления органу предварительного расследования возможности применения видеоконференцсвязи на стадии досудебного производства // Российская юстиция. 2016. №1. –Б. 61-64.

<sup>5</sup> Мартынов А.Н., Кравец Е.Г., Шувалов Н.В. Организационно-тактический модуль дистанционных следственных действий // Криминологические проблемы правоохранительной деятельности: труды Академии управления МВД России. –М. 2017. №4 (44). –С. 125-129.

<sup>6</sup> Родивилина В.А. Некоторые вопросы применения видеоконференцсвязи в досудебном производстве // Вестник Иркутского государственного технического университета. –И. 2005 №2 (97). –С. 278-281.



16.

3. Желтобрюхов С.П. О необходимости предоставления органу предварительного расследования возможности применения видеоконференцсвязи на стадии досудебного производства // Российская юстиция. 2016. №1. –Б. 61-64.

4. Мартынов А.Н., Кравец Е.Г., Шувалов Н.В. Организационно-тактический модуль дистанционных следственных действий // Криминологические проблемы правоохранительной деятельности: труды Академии управления МВД России. –М. 2017. №4 (44). –С. 125-129.

5. Родивилина В.А. Некоторые вопросы применения видеоконференцсвязи в досудебном производстве // Вестник Иркутского государственного технического университета. –И. 2005 №2 (97). –С. 278-281.